

Шайтон сендан бошқа элчи топмабди-да?



08:16 / 17.11.2018 3460

Фазл ибн Абу Айёшнинг мавлоси Анбардан ривоят қилинади: “Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ҳузурида ўтирган эдим, бир киши келиб, “Фалончининг олдидан ўтиб қолувдим, сизни сўкаётган экан”, деди. У кишининг жаҳли чиқиб, “Шайтон сендан бошқа элчи топмабди-да?” деди. Кўп ўтмай, ўша сўккан одам келиб, Ваҳб ибн Мунаббаҳга салом берди. У зот бу кишини таниб, ортларидан сўкканини билса-да, саломига алик олди, хушмуомалалик билан қўл бериб кўришди ва ёнига ўтирғизди”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан